

Ризқ



11:00 / 03.09.2021 4005

Ризқ инсон ҳаётидаги ҳассос мавзулардан ҳисобланади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсонни яратиб, унинг ҳаёт кечирishi сабабларини ҳам муҳайё қилиб қўйди, ер ва ундаги жонли ва жонсиз нарсаларни одамзотга беминнат хизматкор қилиб қўйди, ер юзини ўзлаштириш ва ер ости бойликларини чиқариб олиш йўлларини яратиб берди, осмондан қор-ёмғирлар ёғдирди, набототлар ўстирди ва одамзот қаерда бўлмасин, унга ёзиб қўйилган ризқини етказди.

Ризқ фақат мол-дунёга боғлиқ нарса эмас, балки у ҳаётнинг инсонга керакли барча жабҳаларига алоқадордир. Масалан, соғлиқ ҳам ризқ, фарзандлар ҳам ризқ, солиҳ дўст ҳам ризқдир, солиҳа завжа эри учун, эр аёли учун ризқдир, ота-она ҳам ризқ, иймон ҳам ризқ, банда қилаётган солиҳ амаллар ҳам ризқдир. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Ризққа барака келтирувчи бир қанча сабаблар бор:

– Аллоҳ азда ва жаллага тақво қилиш, У Зотдан қўрқиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган буйруқларни бажариш, қайтариқлардан қайтиш.

– Ҳар бири ишнинг сабабларини қоим қилгандан кейин Аллоҳ таолога таваккул қилиш, қалбни У Зотга боғлаш, ризқ талаб қилиш билан бирга ризқ берувчи Аллоҳ эканига қаттиқ ишониш.

– Аллоҳга кўп истиффор айтиш, зикр қилиш, дуо ила илтижо қилиш.

– Аллоҳ берган катта-кичикми, озми-кўпми неъматларга шукр қилиш.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф